

Асосий Қонуни — Конституция кунига бағишланган тантанали маросим Президентимиз Ислам Каримовнинг келатган 2000 йилни мамлакатимизда Соғлом авлод йили деб эълон қилиши ҳақидаги тақлифи ҳаммаҳарларимиз кўнглини ҳам тўқиндириб юборди. Уятган Аёллар йилининг эъзоз-эҳтиромидан, кўрсатилаётган ҳамжўрликлардан наҳомланган хотин-қизларимиз Юртимизимизни қўллаб-қувватлаб, ўз ўлиқларини билдиришмоқда.

Маърият ТОЖИЕВА, Юнусобод тумани «Обод» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раисаси:

— Президентимиз Соғлом авлод йили ҳақида гапирар эканлар, жумладан «...аёлларни, оналарни асраш керак, дегани — бу фарзандларни асраш, наслини дораш, охири-оқибатида миллатни асраш демекди» дедилар Фахр билан. Бу биз аёллар ҳамда фарзандларимиз учун жуда яхши катта эътибордир. Зеро фарзандларимизнинг соғлом, етуқ, баркамол, ватанпарвар бўлиб воғга етиши — юртимиз келажагининг, мустақиллигимизнинг ёрқин ва мустақамлигининг далолатидир.

Маҳалламизда яшовчиларнинг армиядан кўпрогини хотин-қизлар ташкил этади. Аёллар йилида уларнинг ҳуқуқий билимини ошириш, маънавиятини юксалтириш, етарли шарт-

шароитлар яратиш борасида дастур асосида талайгина ишлари амалга оширидик. Айниқса, фарзандларимиз тарбиясида асосий эътиборни қаратдик. Президентимизнинг нутқини тинглар эканман, авлодларга кўрсатилаётган эъти-

— Маҳалламиз аҳли, айниқса, оналар 2000 йилнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилинганидан беҳад қувондик. Аёллар йилида амалга оширилаётган, қалбларимизга узгача шўх бағишлаган эзгу ишларимиз келгуси йилда ҳам давом эта-

биялашда айниқса, аёл — онанинг роли беқиёсдир. Шунинг учун ҳам Соғлом авлод йилини чин дилдан эълон қилдик, энг нобой бойимиз — фарзандларимиз саломатлигини асрамоғимиз лозим.

Муқаррама КОДИРОВА, кўп болали она:

«Соғлом боланинг туғилиши, энг аввало онанинг соғлиғига боғлиқ. Бу жуда яхши гап эканлигини ҳаёт ҳар қадамда тасдиқлаб турибди. 9 фарзандимнинг барчаси эл-юрт хизматида, 3 қизим, 6 келиним бор. Уларнинг саломатлиғи меннинг бойлигимдир. Шу боис ҳам уларнинг соғлиғи, юрш-туриши ҳақида ҳаммаиш қайғурдим, турмуш ўртоғим билан дабдабали тўйлар қилмадик, бойлик йиммадик, энг асосийси фарзандларимизни авайлаб-асрадик. Шу билан бирга ўзимизнинг соғлиғимиз ҳақида ҳам қайғурдик.

Истардимки, соғлом бола кўраман деган, фарзанди камоли ҳақида уйлаган ҳар бир аёл ўз зиммасидаги масъулиятни ҳаммаиш эдда тутмоғи лозим. Ахир ҳукуматимиз, Юртимизимиз соғлом авлод юрт келажаги эканлигини таъкидлаб, бу ҳақда тинмай ҳамжўрлик кўрсатаётган экан, хотин-қизларимиз ҳам бунга жавобан оқилаю зебо бўлмоғи, бутун куч-ғайратини эл-юрт гуруҳи бўлган фарзандларни тарбиялашга қаратмоқлари лозим, деб уйлайман. Чунки бизнинг жаннатмакон Ўзбекистонимизнинг йилгит-қизлари чинакамига, ҳар томонлама, мамлакат ифтихори, миллатимиз гуруҳи ҳамда кўрки бўлиши керак. Фарзандларимизга барча ҳавас қилиши, биз оналар эса улар билан олам-олам фахрланишимиз бу улкан бойлик ва бахтдир.

2000 — Соғлом авлод йили
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ КАМОЛИ —
ЮРТИМИЗ ТИМСОЛИ



борни халқимиз эртасига, юртимиз фаровонлиғига қаратилган ҳақиқий ҳамжўрлик деб биламан. Ўз навбатида маҳалла кўмитаси ва фаоллари ҳам ёш оилаларга ҳар томонлама кўмак бермоқлари керак.

Дилора АбЗАМОВА, Ҳамза тумани Акмал Иқомов маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раисаси:

Чунки соғлом фарзанд дунёга келтириш, уни оқ ювиб, оқ тараш, мард, паҳлавон ўғлонлар барчин қизлар қилиб тарбиялаш ҳар доим оналаримизнинг эзгу мақсадлари бўлиб келган. Ҳар қандай ота-она аввало ўз зурриёдининг соғлиғи ҳақида қайғурди, чунки соғлом авлод — миллатимизнинг барҳайитидир. Соғлом фарзандларни тар-

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Хотима Шайхова билан суҳбатимиз ҳаётиимизнинг гузгуи чехралари, йилимиз қахрамонлари аёллар хусусида бўлди.

— Хотима она, сиз аёлга қандай таъриф берасиз?

— Аёл — ҳаёт гултожи, мўъжизакор ақл-идрокнинг мукамал нишониси, баркамол талбиркор зот. Бунинг хотин-қизларимиз ижтимоий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларида намоён қилмоқдалар. Аёллар умр заنجирини абадийлаштирувчи, борлиқдаги бор гўзаллик, нафосат ва яхшилик илдизини она сўти, зукко ва оқилона тарбияси орқали ёш авлодга томир орттирувчи кучдир. Аёл бор жойда бўлибдики, соф иқлим, тинч-тотувлик, меҳр-муҳаббат, қут-баракат, фаришталик нури, гўзаллик завқи мавжуд бўлади. Шунинг учун ҳам инсоният жамияти мавжуд бўлибдики, аёл ҳар доим эъзозланган. Шу боис ҳам дунёда энг кўп мадҳия аёл шаънига, унинг номига битилган, десам асло муболага бўлмайди. Муқаддас «Авесто» китобида ҳам аёл қалбининг буюк салоҳияти она замин билан тенглаштирилган.

— Аёллар йили ниҳоясига етмоқда...

— Лекин ҳеч қачон аёлга бўлган эъзоз, меҳр-муҳаббат, эҳтиром ниҳоясига етмаса керак. Зеро, аёлга бундай муносабат, иззату иқром бизга ажлодларимиздан қолган уммас ва шарқона сўнас қадриятдир. Мустақиллик шарофати билан ана шу қадрият янгица мазмун касб этмоқда. Ўзига хос ва мос тараққиёт йўлини танлаган юртимизда аёлларга ҳамма шароитлар яратилди. Аёлларимиз ажлодларимиз оруз қилган эзгулик, тенглик, эрк-ирода эркинлигини баҳрамандлиқлар. Аёлларимиз жамиятнинг тенг фуқароси сифатида ижтимоий-сиё-

сий, ҳуқуқий ва маънавий мавқега эга инсонгина эмас, баркамол шахс сифатида ўз истеъдод, қобилият, билим ва ақл-заковати, мўъжизакор оналик масъулияти ва бурчини адо этиш имкониятига эга бўлмоқда. Бунинг учун ҳукуматимиз, айниқса Юртимизимиз томонидан зарурий шароит-

Суҳбат
ЛАТОФАТ
ГУЛШАНИНИНГ
ГУЛЧЕЧАКЛАРИ

лар, имкониятлар яратилмоқда. Инсон манфаатлари йили, Оила йили, Аёллар йили ва келгуси — Соғлом авлод йили... Буларнинг барчасида аёлга эҳтиром, ҳурмат-эътибор ўз аксини топганлигини инкор этиб бўлмайди. Зеро: Президентимиз 2000 йили Соғлом авлод йили деб эълон қилган эканлар, соғлом авлодни воғга етказишда аёлнинг ролини алоҳида таъкидлаб, унинг эъзози ҳақида шундай дедилар: «Аёлни қарлаш, оғир ишлардан ҳалос этиш, ёмон иллатлардан ҳаммаиш қилиш — эр кишининг, бутун жамиятимизнинг бурчи». Ана шундай гаплардан фахрланмай, қувонмай бўладими? Бундан кўриниб турибдики, мустақил дёғиримизда она, аёл ҳар доим эъзоз ва эътиборда бўлади.

— Бугунги замонамиз аёллари ҳақида нималар дея оласиз? Умуман замонавий аёлни қандай тасвирлайсиз?

— Шарқона ҳулқ-оқоб, замонавий тал-

биркорлик, билимдон, зукколик, ақл-фаросат, янгиликка шахдам интилиш, манфаат доирасининг кенглиги, эл-юрт, халқига содиқлик, оилага меҳр-салоқат, фарзанд камоли йўлида филойлик, ҳиммат, муқаддас меросимизни қарлаш бугунги аёлларимизнинг энг оила-ноб фазилатлари айланмоқда. Ҳақиқатан ҳам бугунги ижтимоий ҳаётимизда бирор соҳа йўқки, аёл фаол қатнашмаган. Давлат арбобидан тортиб, олдий касб эгаси бўлган хотин-қизларимиз мустақиллик берган имконият ва ҳамжўрликлардан руҳланиб истеъдод ва қобилиятларини намоён этмоқда. Хуллас, бугуннинг аёли мустақил, тенг, эркин, теран тафаккур эгаси ҳамда томирда шарқона одоб-ахлоқни, гўзаллиқни сақтай олган етуқ шахс деб биламан.

Мен уйлайманки, замонавий аёл ҳар томонлама гўзал, нафосат соҳиби, ифтихор шараф-ҳаёни ўзида мўжассам этган, билим олишга, янгиликка интилувчан жаҳоннинг барча аёллари билан ҳар соҳада бешлаша олаётган, фарзанд тарбиясида зукко, оқила, бекаликка танҳо бўлмоғи лозим. Меҳнатсеварлик, талбиркор ва тежамкорлик, иш қўзини билиш, ўз касбининг устаси бўлиш, ширинсуханлик, ҳар қандай жойда, шароитда ўзини тута билишлик, ўз ташқи кўринишига эътибор — замонавий аёлга мўжассам бўлмоғи лозим. Энг муҳими, у аёл мўътабар зот — она эканлигини доимо ҳис этиб яшасин.

— Аёлларга тиллақларингиз...
— Ҳар бир аёл яшаган оилага ҳаловат, рўзгорига қут-баракат, фарзандларига саломатлик ёр бўлсин. Ҳаммаиша эъзоз, меҳр-муҳаббат аёлни тарқ этмасин. Латофат боғининг гулчечаклари бўлган аёлларимиз чехралари асло сўлмасин.

Кенгашиларда

Беқиёс ҳисса

Каромат БОҚИЕВА, Шайхонтоҳур туманидаги «Чорсу» маҳалласи хотин-қизлар кенгаши раисаси:

— Йилимизни ҳар қанча таърифласак арзийди. Ҳаётимиз гуллари саналмиш хотин-қизларимизнинг Аёллар йилида қалблари янаям эзгуликларга, меҳрга тўлди. Уларга кўрсатилган эҳтиром, амалга оширилган ишлар, берилган барча имтиёзлар аёлнинг кўнглини яна бир қарра кўтарди.

Бизнинг маҳалламизда ҳам ушбу йилда маҳалла кўмитаси ва хотин-қизлар кенгаши томонидан ўзига хос дастур ишлаб чиқилиб, унга асосан олдимизда турган барча вазифаларни муваффақият билан амалга оширдик. Хотин-қизларимизнинг маҳалламиз ҳаётидаги ўрни тобора ортиб бораётганини бунга яққол далилдир. Маҳалламиз ҳудудда асосан кўп қаватли уйлар жойлашган бўлиб, ҳар бир уйдан кенгашимиз аъзолари сайланган. Улар билан ҳамкорликда ишлаб, ҳар бир оилани эътиборимиздан четда қолдирмаётимиз.

Маҳалламизда 4400 оила истикомат қилади, уларнинг 50 фоиздан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Ҳамжўрликда иш юритиб, айниқса, кам таъминланган оилаларга, кекса ва ногиронларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Хотин-қизларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, маънавиятини юксалтириш, мустақил юртимизга содиқ ўғил-қизларни тарбиялашга кўмаклашиш, ёш оилаларни мустақамлашга ўтказиётган ҳар бир тадбиримизнинг аҳамияти катта бўлмоқда. Маҳалламизда жойлашган «Омад» дўкони билан ҳамкорлигимиз яхши самара бермоқда. Уларнинг кўмагида вақти-вақти билан кам таъминланган оилаларга бепул озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилмоқда.

Оилани мустақамлашда қайнона-келин, эр-хотин муносабатлари ҳақидаги суҳбатлар, ёш йилгит-қизларимизни оила қуришга тайёрлаш, аёлларимизнинг саломатлигини сақлаш борасида уштирган тадбирларимиз натижасида ушбу кўтулг йилда маҳалламизда биророта ҳам оила ажрашгани йўқ. Шунинг мамнуният билан айтишим лозимки, маҳалламиз хотин-қизлар кенгаши ишлари мустақиллигимизнинг 8 йиллик арафасида шаҳарда ўтказилган «Маҳалла кун»-да юқори баҳо олди. Бу борада хотин-қизлар кенгашимиз аъзолари Салтанат Уринова, Мамлакат Ибоджўмаевларнинг ҳиссалари катта бўлмоқда.

Президентимизнинг тўй ва маросимлар ҳақидаги Фармонига кўра эса маҳалламизда ҳам ибратли ишлар амалга оширилди. Тўй ва маросимларни ихчамлаштириш, ортиқча дабдабаозликка, исрофчиликка йўл қўймаслик учун махсус тузилган тўй комиссияси иш олиб бормоқда. Ҳозиргача тўйларда бўладиган ортиқча олинди-берилди, сарपोларга чек қўйдиқ, кўпгина хонадонларда чарларлар оилавий тарзда ўтказилди.

Келатган 2000 йилимизнинг Соғлом авлод йили деб эълон қилиниши эса ҳар биримизни қувонтирди. «Соғлигинг — бойлигинг» деган сўз замирида жуда катта маъно бор. Аҳолиси, айниқса ўсиб, камол топаётган фарзандлари соғлом ва пахлавон юртинг ҳамиша келажаги порлоқ бўлади. Ана шундай баркамол авлодни воғга етказишда биз аёлларнинг беқиёс ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

Бека

СИЗ ГЎЗАЛСИЗ
ДОИМО

- ♦ Юз териси ёғли бўлган аёллар сабзани қирғичдан ўтказиб, ҳосил бўлган моддани юзга суриб қўйса фойдалидир.
- ♦ Агар терингиз ўта қуруқ бўлса, баргларини сутда қуолюнча қайнатиб, сўнгра ҳосил бўлган моддани юз ва бўйин терисига 20 минутга суриб қўйинг.
- ♦ Қайнатилмаган янги сутта бир неча бодринг бўлақларини ярим соатча солиб қўйиш лозим. Кейин бодрингни қирғичдан ўтказиб сутли аралашма билан юз терисини артинг.
- ♦ Карам барглари юмшагунча қайноқ сувга солиб қўйиб, сўнгра уларга илитилган ёғ сурилади. Уни юз ва бўйин терисига 20 минутча ёпиб қўйилади. Барглари олиб ташлангач, юз ва бўйин ромашка қайнатмаси билан ювиб ташланади.
- ♦ Карам барглари гўшт қўймалагичдан ўтказилиб, унга битта тухум оқи қўшилиб, яхшилаб аралаштирилади. Кейин уни юз ва бўйин терисига ярим соат суриб қўйинг.
- ♦ Икки-уч дона сариқ сабзани қирғичдан ўтказасиз, бир чой қошиқ крахмал ёки пиширилган картошка бўтқаси ва бир ош қошиқ сутни яхшилаб аралаштирасиз. Ҳосил бўлган аралашма юзга сурилади.
- ♦ Юқоридаги муолажаларнинг ҳар бири юзингизни майин ва тиниқ кўрсатишга ёрдам беради. Муолажадан сўнгра юзини илтиқ сувда юмоқ совун билан ювиб ташлайсиз. Энди кўзуга қаранг: ҳар доимгидай гўзал ва латофатли-сиз.

Аёл борки, олам мунаввар

1999 —
Аёллар йили
ҲАЁТ
БОҒИНИНИНГ
ГУЛАДАРИ
Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси

Дилдора болалигидан тикувчиликка ҳавас қўйганди. 4—5 ёшлик пайтидаёқ кўпчирокларига нафис қўйлақчалар тикшига ҳаракат қиларди. Гўзал либосларни олиши-тикишига бўлаган қизиқчи, иштиёқ Дилдоранинг кўнглидан мустақамқан ўрин олди. У 1997 йили Анишер Навоий номидаги нафис санъат лицейини тамомлагач, орзуларини рўёбга чиқариш учун астойдил бел боғлади.

«Шарқ гўзали» салонининг кўйлақлари нархи 25—30 фоизга арзон. Шу боис салон мижозларининг сони ҳам кўбора ортиб, «Шарқ гўзали»нинг доврўғи таралиб бормоқда.

Дилдора Исмоилова тадбиркорлик фаолиятида илк қадамларини қўйётган, навқирон қалбида либослари сингари оппоқ орзулар лиммолим юртдошимиздир. Бугунги ёшларга берилаётган эътибор унга ҳам қанот бахш этмоқда. Дилдора келгусида

ОРЗУЛАРИ
ОЙДИНИ
ДИЛДОРА

тошлар билан безатилган кўйлақлар тикшишни ўрганишга киришганди. Бу борада бичиш-тикишга доир турли адабийётларни, махсус журналларни доимий мутлоға қилиб борди, европача ва шарқона либосларни қиёсий равишда ўрганди, уларга ихлодий ёндашган ҳолда турли модали кийимлар яратиш, мижозларга тақдим этишга интилд.

— Ҳар бир киши ўзига мос, кўркем, ярақичли либосларни кийса, гўзал бўлади, — дейди Дилдора «Шарқ гўза-



Ҳуқуқшунос жавоби

ДИЛНИ ДИЛГА
КИМ БОҒЛАЙДИ?

«Моҳишса билан бирга ишлашимиз. Ўз синглимдек бўлиб қолган. Лекин унинг юрагидаги дарди менга ҳам тинчлик бермайди. Севиб турмуш қурган, жуда яхши яшайди. Лекин фарзандсизлик кўнглидан буён уни қийнаб келади. Яқинда у ўз режасини айтди: «Биз ажраша олмаимиз, шунинг учун фарзанд асраб олмақчимиз. Бунинг учун нима қилишимиз лозим? Тўғриси, бу ҳақда билмас эканман. Шу сабабли газетангиз орқали фарзандликка олиш қонун-қодалари ҳақида маълумот берсангиз».

Гулнора НИЗОМОВА, 1, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани».

Юқоридаги савол билан биз республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳуқуқшуноси Умида ҲАЙДАРОВАга мурожаат қилдик:

— Ҳаётда шундай ҳолатлар мавжудки, кимдир фарзанд тирноғига зор, кимдир уни хор қилади. Меҳр-саховатли баъзи инсонлар эса ўзга бағришо ота-она дунёга келтириб, ундан юз ўтирган болани ўзларига фарзанд қилиб олиш ва бутун меҳрини уларга бахшида этишга тайёр.

Лекин, ўзга фарзандни фарзандликка олишининг ўз ҳуқуқий қонун-қодаларини мавжуд. Жумладан, фарзандликка олиш ҳақида маълумотлар «Оила кодексининг» 20-бобида ўз аксини топган бўлиб, фарзандликка олувчи қўйидагиларни билимоғи зарур:

Фарзандликка олишга фақат воғга етмаган болаларга нисбатан ва уларнинг манфаатларининга кўзлаб йўл қўйилади. Фарзандликка олиш болани фарзандликка олишни истаган шахсларнинг аризастига биноан ҳамда васийлик ва ҳомийлик органи тавсиясига кўра туман, шаҳар ҳокими қарори билан амалга оширилади.

Фарзандликка олиши мумкин бўлган шахсларга қўйидагилар кирди:

- воғга етган эркак ёки аёл фуқаролар фарзандликка олувчилар бўлиши мумкин, қўйидагилар бундан мустасно;
 - ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;
 - қонун билан белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;
 - асаб касалликлари ёки нарколегия муассасаларида рўйхатда турувчилар;
 - ушбу кодекс 169-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган асослар бўйича фарзандликка олганлиги бекор қилинган собиқ фарзандликка олувчилар;
 - қасддан содир қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинганлар.
- Фарзандликка олувчи ва фарзандликка олинувчилар ёшидаги фарқ уни беш ёшдан кам бўлмаслиги шарт, ўғай ота томонидан фарзандликка олиш ҳоллари бундан мустаснодир.
- Шунинг айтиб ўтиш ўринлики, фарзандликка олишни сир сақлаш қонун билан ҳимоя қилинади. Фуқаролик ҳолати дало-

